



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ УСУЛЛАРИ

¹Холмунинова О. Ж.

Термез давлат университети, Катта ўқитувчи PhD,

²М.Сатторова

Термез давлат университети

Педагогика институти 2-курс магистранти .

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7461810>

ARTICLE INFO

Received: 10th December 2022

Accepted: 19th December 2022

Online: 20th December 2022

KEY WORDS

Инновацион технология,
компетенция, индивидуал
қобилиятлар, табиий
фанлар, соғлом турмуш
тарзи, эвристика муаммоли
вазиятлар.

Бошланғич таълимда ўтиладиган фанларда фанлараро алоқадорлик воситасида бошланғич синф ўқувчиларида маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялашга оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларни юксак даражада эгаллаш ва самарали қўллаш олиш, табақалаштирилган таълим мазмунига мос равишда фанлараро алоқадорлик алоҳида соҳа доирасида ўрганиладиган ўқув материалнинг энг мақбул ва натижавийлик муносабатларининг ўрнатилиши, фанлар интеграцияси асосига бирлаштира оладиган асосий фарзани ойдинлаштириш компетенциясига эга бўлишлик муҳим, бу вазиятда фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш ўқитишнинг ижобий самарасини ошириш учун турфа имкониятлар эшигини очади, зеро бир - бирига яқин, алоқадор фанлар асносида

ABSTRACT

Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялаш усуллари ҳақида қисқача фикр юритади.

ўқувчилар улкан, чуқур билимларни ўзлаштирадilar¹.

Фанлараро алоқадорлик ташкилий методик алоқадорликлардан иборат. Тадқиқот ишида фанлараро алоқадорликнинг бир неча усулларда таснифлайди:

- турли кўринишдаги билимлардаги боғланишларни ўзлаштириш усуллари бўйича: репродуктив, изланиш, ижодий;
- амалга ошириш қамрови бўйича: синфлараро, туркум ичида, туркумлараро;
- амалга ошириш вақти бўйича: изчил, биргаликда, истиқболдаги;
- фанларнинг ўзаро боғланиш усули

¹Маликова.А.Р. Педагогика Олий ўқув юрти ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. - Т., 2009. - 20 б.



бўйича: бир томонлама, икки томонламала, кўп томонлама;
- рўёбга чиқариш давомийлиги бўйича: эпизодик, доимий, тизимли;
- таълим ва тарбия мақсадига кўра, жараёни ташкил этиш бўйича: синф ва синфдан ташқари;
- ўқитувчи ва ўқувчилар билиш фаолиятини жорий этиш шаклига кўра: якка тартибда, гуруҳда, жамоада².
Фанлараро алоқадорликни долзарб педагогик муаммо эканлиги методологик-дидактик жиҳатдан асослаб, унинг мазмунли; операция; методик; ташкилий шакллари мавжуд.

Бошланғич таълим ўқув фанлари алоқадорлигини ўрнатишда фанлараро интегратив дарснинг имкониятларини очиш, энг самарали ўқитиш жараёнини таъминлаш, уни ташкил этиш учун зарур элементларни излаш, ўқув фаолиятининг методлари ва тузилишини такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш лозим. Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда фанлараро алоқадорликнинг имкониятлари ниҳоятда кенглиги ўқув-билиш жараёнини қайта кўриб чиқиш кераклигини ва уни такомиллаштириш зарурлигини тақоза этади. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий – ахлоқий сифатларини тарбиялашда миллий меросимиздан фойдаланиш маданиятини фанлараро такомиллаштиришда ДТС, ўқув дастур,

ўқув режа ва дарсликларни оптималлаштириш лозим. Фанлараро ўқувчиларининг маънавий – ахлоқий сифатларини тарбиялашда миллий меросимиздан фойдаланиш мазмундаги топишмоқли масалаларни бажаришда ўқувчилар қизиқиши ва кузатувчанлигининг ортиб бориши, фанлараро тафаккур ривожини ва келгусида фанлараро масалаларни ечишда мураккаб математик ҳисоблашларга ўрин қолмаслигини таъкидлаб ўтганлар³.

Шунингдек, бошланғич синфда фанлараро алоқадорлик мақсадларига эришиш учун табиатшунослик, тарбия фанлари ўқув дастурлари, мавзуларида дидактик алоқалар изчиллиги ўрнатилиши муҳим. Бошланғич таълим дастурларида ўқувчиларининг маънавий - ахлоқий сифатларини тарбиялашда миллий меросимиздан фойдаланишга оид билимлар тизими етарли равишда ўз ифодасини топган. Бошланғич синф дарсликларини таҳлили юзасидан, 2-синф “Табиий фанлар” машғулоти учун ҳафтада икки соатдан, йил давомида 68 соат, жумладан, I чоракда 18 соат 13 та мавзу, II чоракда 14 соат 10 та мавзу, III чоракда 20 соат 13 та мавзу, IV чоракда 12 соат 10 та мавзу, жами бўлиб йиллик 46 та мавзу ажратилган. Мазкур мавзуларнинг 32 таси маънавий – ахлоқий, экологик мазмунга эга бўлса-да, шундан 4 мавзу маънавий – ахлоқий экологик хавфсизлик мавзусига яқин келади. 3-синф “Табиатшунослик” дарси учун

²Юсупова.Н.Фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати - Т.: 2021, - 20 б.

³Маҳмудов.Ю.Ф.,Норбўтаев.Х.Б. “Фанлараро экологик мазмунда топишмоқли масала ва саволлар”. Методик қўлланма. - Тошкент. Фан, 2008. - 28 б.



ҳафтада бир соатдан, йил давомида 34 соат жумладан, I чорақда 9 соат 8 та мавзу, II чорақда 7 соат 7 та мавзу, III чорақда 10 соат 9 та мавзу, IV чорақда 8 соат 8 та мавзу, жами бўлиб йиллик мавзу ажратилган. Унда 34 та мавзу берилган, шундан 31 таси маънавий – ахлоқий, экологик мазмунга эга⁴.

“Соғлом турмуш тарзи” мавзусини ўрганиш асосида ўқувчилар шахсий гигиена ва унинг қоидалари ҳақида асосий тушунчаларни эгаллашади. Соғлом турмуш тарзининг муҳим компонентлари: кун тартибига риоя қилиш, шахсий гигиена талабларига амал қилиш, танани чиниқтириш, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш, тўғри овқатланиш, зарарли одатлардан сақланиш кўникмалари шакллантирилади. Умумий таълим мактабларнинг миллий дастурида “Она тили ва ўқиш саводхонлиги”, “Математика”, “Табий фанлар” таълим соҳалари кўрсатилган ҳолда амалдаги ўқув режаси асосида таълим –тарбия бериш амалга оширилади. Табиатшунослик, она тили ва ўқиш саводхонлиги дарслари алоқадорлиги асосида ўқувчилар сўз бойлигини ошириш, бадиий-эстетик тафаккурни ривожлантириш, мустақил фикрлашга ўргатишда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бошланғич таълим тизимида ўқиш муҳим фан бўлиб, шахсни такомиллаштириш ва тарбиялаш воситаси сифатида қаралади. Бошланғич синф ўқувчилари ўқиш дарсларида буюк

мутафаккирларимиз ҳаёти ва ижоди, шеърлари, ҳикоялари, эртаклари, башоратлари, топишмоқлар, мақоллар, тил ўгиришлари, эртаклари билан яқиндан танишадилар. Масалан, халқ оғзаки ижоди намуналаридан бири бўлган эртакларни ўрганишда фанлараро алоқадорлик ўқувчиларнинг мавзуга қизиқишини оширади. Албатта, бундай дарсларни ташкил этишдан асосий мақсад дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг дарсга, мавзуга бўлган қизиқишини ошириш, барча ўқувчиларнинг яхши ўқув натижаларига эришишдир. Буларнинг барчаси устоздан катта маҳорат талаб қилади. Она табиатга муҳаббат, ҳиссини уйғотиш, келажак авлодлар учун маънавий - ахлоқий қадриятлар ва анъаналарни сингдириш, таълим - тарбиялаш асосида ўқувчиларда миллий меросимиздан фойдаланиш маданияти шаклланади. Ўқиш ва нутқ дарсларида ўқувчилар дастурда белгиланган мавзулар асосида маълум билим оладилар.

Ўқиш малакасини ошириш билан бирга, ўқувчиларни маънавий етук инсон руҳида тарбиялашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Бошланғич синфларда ўқиш ва нутқ дастурининг мақсад ва вазифаларига мос келадиган дарслар орқали ўқувчиларни тўғри, ақлли, равонва ифодали ўқишга ўргатилади. Бу жараёнда болаларда китоб билан ишлашни ўрганади, китобга меҳр уйғотади. Бу жараённинг сифатли ва самарали амалга оширилиши бевосита инновацион ёндашувдан фойдаланган ҳолда ўқув курсларини ташкил этишга боғлиқ.

⁴Мухтарова.Л.А Бошланғич синф ўқувчиларида экологик хавфсизлик маданиятини фанлараро такомиллаштириш методикаси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси - Термиз 2022, - 58 б.



References:

1. Мирзиёев. Ш.М "Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ - 5712 – сонли Фармони 29.04 2019 йил.
2. Маликова.А.Р. Педагогика Олий ўқув юрти ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. - Т., 2009. - 20 б.
3. Юсупова.Н.Фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати - Т.; 2021, - 20 б.
4. Маҳмудов. Ю.Ғ.,Норбўтаев. Х.Б. "Фанлараро экологик мазмунда топишмоқли масала ва саволлар". Методик қўлланма. - Тошкент. Фан, 2008. - 28 б.
5. Мухтарова.Л.А Бошланғич синф ўқувчиларида экологик хавфсизлик маданиятини фанлараро такомиллаштириш методикаси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси - Термиз 2022, - 58 б.
6. Кучкинов А.Ю. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологиялари. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси. - Термиз, 2021. - 202 б.